

---

## ОЛИЙ СУД РАИСИ ВИЛОЯТИМИЗ ТУМАНЛАРИДА ИЖАРАГА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНІ ҚҰЛГА КИРИТГАН ФУҚАРОЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон Комилов бугун вилоятимизнинг Олтиарик, Қува, Қўштепа ва Ёзёвон туманларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ижарага олиш ҳуқуқини қўлга киритган фуқаролар билан мулоқот ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилиқда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган очик электрон танлов якунларига кўра фақат ижара ҳуқуки асосида ажратилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини электрон савдо майдончаси орқали ижарага бериш жорий йилнинг январь оидан бошлаб йўлга қўйилди. Бугунги кунда янги тизим шаффоффлик асосида талабгорлар орасидан ғолибларни аниқлаб бермоқда.

Туманлarda бўлиб ўтган учрашувларда Олий суд раиси томонидан фуқароларга ижарага олинган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-06 20:19:15